

Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университети

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 894.375

САГИДУЛЛАЕВА Джамиля Нуруллаевна

ҚОРАҚАЛПОҚ ҚИССАЛАРИДА УСЛУБИЙ ИЗЛАНИШЛАР
(1980-йиллар қиссалари мисолида)

10.01.04 – Туркий халқлар адабиёти (қорақалпоқ адабиёти)

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

НУКУС-2010

Тадқиқот Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети адабиёт назарияси ва ўқитиш методикаси кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори, профессор
Жаримбетов Қурбанбай Қудайназарович

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори, профессор
Алламбергенов Кенесбай

филология фанлари номзоди
Нуржанов Пердебай Ержанович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ҳимоя 2010 йил _____ ойининг _____ куни соат _____ да Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети хузуридаги Д.067.10.01 рақамли филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияларни ҳимоя қилиш бўйича Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 230100, Нукус шаҳри, акад. Ч. Абдиров кўчаси, 1.

Диссертация билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 230100, Нукус шаҳри, акад. Ч. Абдиров кўчаси, 1.

Автореферат 2010 йилнинг «_____» _____ да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
филология фанлари номзоди

Қ.ПАХРАТДИНОВ

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. XX асрнинг 80-йиллари қорақалпоқ адабиёти, шу жумладан қорақалпоқ насри учун тезкор ривожланиш ва такомил даври бўлди. 1980-йилларга келиб қуруқ ва баландпарвоз чақириқ, ундовларга асосланган асарлар, катта ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишга чоғланган қаҳрамонлар эмас, балки кундалик ташвишлари, шахсий тақдири, фикр-ўйи, мураккаб руҳияти билан яшовчи, оддий, умуминсоний орзу-интилишлар соҳиби бўлмиш замондош образи, унинг маънавий олами, ички кечинмалари бадиий тадқиқ этила бошлади. Давр бадиий насрида А.Халмуратов, У.Пиржанов, К.Смамутов, Г.Есемуратова, К.Раҳмонов, Е.Утепбергенов каби ёзувчилар ижодида инсонни шахс сифатида бадиий инкишоф этиш тенденцияси кучайди. Шунингдек, жамиятда рўй берган туб ўзгаришлар натижасида Т.Қайипбергенов, Ш.Сейитов, К.Раҳмонов, А.Алиев сингари адибларнинг насрий асарларида даврнинг аччиқ ҳақиқати ошқора тарзда жаранглай бошлади. Натижада 1980-йиллар ҳаётий воқеаларни, персонажлар характери ҳаққоний ёритиш, бадиият сирларини чуқурроқ эгаллаш, ёзувчилар ўз индивидуал услубларини яратиш учун кураш ва изланишлар даври сифатида адабиёт тарихида қолди. Бу даврда насрнинг бирмунча оммавий ва ҳозиржавоб жанри саналмиш қиссачилик ғоят фаоллашди. Қиссанинг мавзу доираси ранг-баранглиги, жанрий-услубий хусусиятларида юксалиш аломатлари сезилди. Бироқ қорақалпоқ адабиётшунослигида ушбу масала махсус равишда ўрганилмади. Бу ҳолат диссертация мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбек адабиётшунослигида бадиий наср услуби масаласи С.Мамажонов, П.Қодиров, Ў.Носиров, А.Мамажонов, Ҳ.Болтабоев, М.Мирқосимова, Н.Аҳмедов, Й.Солижонов, Ш.Дониёрова, М.Пирназарова¹ каби олимларнинг тадқиқот ишларида ўрганилди. Муаммо бўйича махсус монографиялар яратилди, диссертациялар ёқланди.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида бадиий асар услуби жорий кунга қадар махсус равишда тадқиқ қилинмаган. Бинобарин, қорақалпоқ филологиясида мазкур масалага бағишланган қатор тадқиқотларда муаммо тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилди². Қорақалпоқ адабиётшунослигида услуб муаммосига бағишланган Е.Бердимуратов, И.Саъдуллаев, Қ.Султанов, Қ.Жаримбетов, С.Ахметов, Ҳ.Ўтемурастоваларнинг³ айрим мақолалари ва Қ.Байниязовнинг «Аяпберген Мусаев шеърини услуби хусусиятлари»

¹ Мамажонов С. Услуб жилolari. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972; Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. – Тошкент: ФАН, 1973; Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент: ФАН, 1981; Носиров Ў. Образларда услуб жилolari. – Тошкент: Фан, 1991; Мамаджанов А. Романтическая стилевая тенденция в узбекском романе.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1983; Болтабоев Х. Силевые искания в современной узбекской прозе.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1983; Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992; Мирқасимова М. Жанровые-силевые особенности узбекского романа 70-80 годов (Романы А.Якубова и П.Қадирова).: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1986; Аҳмедов Н. Вопросы повествования и индивидуального стиля.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1974; Салижанов Ю. Формирование авторской речи в узбекской советской прозе и индивидуальный стиль писателя (на материале литературы 20-30 годов): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1974; Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент: Чўлпон, 2002; Дониёрова Ш. Шукр Холмирозав ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги: Филол. фан. номз. ... дис. – Тошкент: 2000; Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам романлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дис. – Тошкент: 2006.

² Юсупова Б.Т. Көркем шығармаларда келбетликлердин стильлик қолланылыўы (И.Юсупов шығармалары тийкарында): Филол. илим. канд. ... дис. – Нөкис: 2000; Алланазаров Е. Қарақалпақ тилинде метафоралардың стилестик қолланылыўы (Т.Жумамуратовтың поэзиясы мысалында): Филол. илим. канд. ... дис. – Нөкис: 2002.

³ Бердимуратов Е. Көркем әдебият стилинин тийкарығы өзгешеликлери // Әмиўдәрья. – Нөкис, 1973. - № 5; Садуллаев И. Жазыўшының усылына нәзер салсақ // Әмиўдәрья. – Нөкис, 1989. - № 4; Султанов Қ. Излениў жоллары // Әмиўдәрья. – Нөкис, 1985. - № 4; Жаримбетов Қ. Критикада шынлық хәм талапшаңлық болсын // Әмиўдәрья. – Нөкис, 1986. - № 5; Ахметов С. Қарақалпақ әдебий сыны. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1993, - 227-229 б.; Ўтемурастова Ҳ. Тарийхый романда стиль мәселеси // ӨзИАҚҚБ хабаршысы. – Нөкис, 2001. - № 1-2.

ҳамда П.Нуржановнинг «Ҳозирги қорақалпоқ романи поэтикаси (композицион ва жанрий-услубий хусусиятлари)» номли ишлари нашр қилинди¹. Илмий тадқиқотларнинг кўпчилигида ижодкор услуби бадиий адабиётнинг бошқа масалалари билан бирга – уларнинг бутун ижодини, адабий жараёнда тутган вазифавий ўрнини ўрганишга қаратилган изланишларда умумий тарзда акс эттирилди. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётда услуб, шу жумладан насрий асар услуби масаласи қорақалпоқ адабиётшунослигида махсус тадқиқотларни талаб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослиги назарияси ва эстетикасида насрий асар табиати, унинг илмий жиҳатлари бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, рус адабиётшунослигида М.Бахтин, Н.Гей, Н.Драгомирецкая, Э.Бальбуров, А.Б.Есин, ўзбек адабиётшунослигида П.Қодиров, Ҳ.Ёқубов, С.Мамажонов, Н.Аҳмедов, Й.Солижонов, Ў.Носиров, қирғиз адабиётида А.Акматалиев, Т.Давидова, қозоқ адабиётида А.Нағметов, қорақалпоқ адабиётшунослигида М.Нурмухамедов, Ж.Наримбетов, Қ.Султанов, С.Баҳодирова, З.Насруллаева, Қ.Султанов, Қ.Камалов, Ж.Есенов, П.Нуржанов, А.Султанов кабиларнинг илмий-тадқиқот ишларида бадиий насрнинг жанрий хусусиятлари, ривоя услуби тўғрисида илмий жиҳатдан диққатга сазовор назарий фикрлар билдирилган.

Қорақалпоқ адабиётида қиссага нисбатан романга бағишланган илмий тадқиқотлар кўп яратилди. Миллий адабиётшуносликда қисса жанрининг тараққиёт тамойиллари, давр қиссачилигининг ғоявий-бадиий хусусиятлари Қ.Камалов ва Ж.Есеновлар томонидан махсус тадқиқ қилинди. Қ.Камалов қорақалпоқ қиссасининг жанрий эволюцияси, Ж.Есенов эса қисса бадииятида муҳим вазифа бажарувчи омил ҳисобланмиш бадиий психологизм муаммоси бўйича илмий изланишлар олиб боришди. Кейинчалик бу тадқиқотлар натижаси ўлароқ монографиялар эълон қилинди². Сўнгги даврда қорақалпоқ қиссачилиги масалалари А.Султановнинг «Қорақалпоқ насрида Ч.Айтматовнинг поэтик анъаналари» (Нукус, 2007) дея номланган китобида тадқиқ қилинди. Ҳозирги қорақалпоқ қиссаларининг жанрий-услубий хусусиятлари, бадиий-эстетик хослиги тўғрисида мушоҳадалар адабиётшунос П.Нуржановнинг «Мустақиллик давридаги қорақалпоқ насри» (Нукус, 2003) мавзусидаги шарҳ шаклида ёзилган тадқиқотида ҳам таҳлилга тортилади.

Ўзбек адабиётшунослигида эса жанр тадқиқоти бир қадар тараққий топган. Ўзбек қиссачилигининг турли муаммолари А.Расулов, А.Аброров, А.Қобилов, Д.Тўраев, Н.Холлиев, А.Рашидов, К.Тағматов, С.Зоҳидова, Н.Худойбергенов, А.Улуғов, М.Тенглашев, Э.Каримов, Ғ.Ташпулатов, Қ.Кубаев, М.Рустамоваларнинг³ илмий-тадқиқот

¹ Байниязов Қ. Аяпберген Муўсаевтың шайырлық стилинің өзгешеликлери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1972; Нуржанов П. Ҳазирги қарақалпақ романы поэтикасы (Композициялық хәм жанрлық-стильлик өзгешеликлери). – Нөкис: Билим, 2008.

² Камалов Қ. Қарақалпақ повести (жанрдың эволюциясы). – Нөкис: Қарақалпақстан, 1978; Есенов Ж. Шеберликтің сырлары (ҳазирги қарақалпақ повестлеринде көркем психологизм проблемасы). – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986.

³ Расулов А. Ҳозирги ўзбек повестида ёшлар характери: Филол. фан. номз. ... дис. – Тошкент: 1966; Аброров А. Становление и развитие узбекской советской повести.: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Т.: 1975; Кабилов А. Жанр автобиографической повести в узбекской литературе.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1972; Тураев Д. Проблема сюжета в современной узбекской повести.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1974; Холлиев Н. Типология образов современных узбекских повестей.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1979; Рашидов А. Проблема духовно-нравственного становления героя в узбекской повести о рабочем классе: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1981; Тағматов К. Нравственный мир героя и художественные искания в узбекской повести (1960-1970): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1981; Зоҳидова С. Жанровые и стилевые особенности современной узбекской повести (60-70 гг.): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1982; Худайбергенов Н. Сени ўйлайман, замондош. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1986; Улуғов А. Қиссачилигимиз қирралари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991; Тенглашев М. Особенности конфликта в узбекских повестях 80-х годов.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1989; Каримов Э. Повесть // Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. – Тошкент: ФАН, 1991. 1-жилд; Ташпулатов Г. Нравственные искания в современной узбекской повести (М.М.Дост, Т.Мурод, Г.Хатамов): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1993; Кубаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат (60-80

ишларида турфа аспектларда тадқиқ этилган. Қайд қилинган тадқиқотларда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар ишимизни яратишда йўлланма вазифасини бажарди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети адабиёт назарияси ва ўқитиш методикаси кафедраси томонидан режалаштирилган, истиқболдаги илмий ишлар дастурига киритилган ҳамда университет Илмий кенгаши мажлисида (2005 йил 31 мартдаги 7-сонли баённома) тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Диссертациянинг мақсади бадиий насрда услуб, унинг асар бадииятига узвий таъсирини XX аср 80-йилларидаги қорақалпоқ қиссачилиги, хусусан, Г.Есемуратова, А.Халмуратов, У.Пиржанов, Ш.Сейитов ва Е.Утепбергенов асарлари мисолида ўрганиш ва шу асосда ёзувчиларнинг қисса жанри бадиияти йўлидаги изланишлари, қиссанависликдаги индивидуал услуби, уларнинг ҳозирги қорақалпоқ насрида тутган ўрнини аниқлаб беришдан иборат. Шунингдек, адиблар ижодида бадиий услуб тадрижини аниқлаш, ривоя типологиясидаги новаторлик ва ёзувчи ижодий лабораториясидаги изланишларни тадқиқ қилиш мақсадини кўзлайди.

Тадқиқот вазифалари:

- XX аср 80-йиллари қорақалпоқ қиссачилигида услубий изланишлар ва унинг тараққиёт тамойилларини адабиётшуносликнинг сўнгги назарий мезонлари асосида аниқлаш;
- ушбу давр қорақалпоқ қиссаларини адабий анъаналар ва новаторлик аспектида кузатиш;
- қиссалардаги лиро-психологик ва психологик тасвирлаш услубини назарий жиҳатдан асослаш ҳамда муаллиф ижодида ушбу услубий изланишларнинг роман жанрига ўтишда тутган ўрнини белгилаш;
- ёзувчининг индивидуал услубини аниқлаш, услуб тадқиқи воситасида унинг ижодий маҳоратини тавсифлаш;
- давр қиссаларининг композицион янгиликларига, ривоя усулларига диққат қаратиш, масалани умуман ҳозирги бадиий наср фонида ёритиш;
- ёзувчи лабораторияси тадқиқи орқали унинг қаҳрамон характерини яратиш услубини муайянлаштириш;
- ёзувчининг бадиий матн устида ишлаш усули ва техникасидаги ўзига хосликлар асосида унинг индивидуал услубини аниқлаш;
- 1980-йилларда ёзувчилар томонидан амалга оширилган таржималарнинг индивидуал услуб тақомилидаги ўрнини ёритиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўрганилаётган давр ёзувчиларининг қиссанавислик маҳорати ва индивидуал услубини ўрганишда А.Халмуратовнинг «Бир оқшом» қиссаси («Амударё», 1981, 3-сон), Г.Есемуратовнинг «Жийрон» (Нукус, 1985), У.Пиржановнинг «Қорда қолган излар» (Нукус, 1984) ва «Апрелнинг сўнгги оқшоми» (Нукус, 1987), Ш.Сейитовнинг «Ишига илова қилинсин!..» («Чароғбонлар» Нукус, 1986) ҳамда Е.Ўтепбергеновнинг «Қумар» (Нукус, 1988) насрий тўпламлари тадқиқот объекти қилиб олинди. Тадқиқот жараёнида мазкур қиссаларнинг журнал нусхалари ҳам қиёсий таҳлилга тортилди.

Ушбу даврда бўй кўрсатган баъзи янгиликлар замирини илмий асослаш учун айрим ўринларда ўрни-ўрни билан Ч.Айтматов, В.Распутин, Ш.Холмирзаев, Т.Мурод сингари истеъдодли ёзувчилар ижодига мурожаат қилинди. Бадиий услуб табиати, қисса жанрий-услубий хусусиятлари ва ёзувчи услубий изланишларининг ўрганилиши тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот методлари ва манбалари. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг китоблари ва маърузаларидаги миллий мафкура, санъат ва адабиёт, унинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия борасидаги қарашлари, шунингдек, миллий интеллектуал тафаккуримиздаги прогрессив бадиий-эстетик ғоя ва қарашлари методологик асос қилиб олинди.

Диссертация ишини тайёрлаш асносида адабиётшуносликда бадиий услуб масаласига бағишланган Г.Ф.Гегель, В.Г.Белинский, В.В.Виноградов, М.Бахтин, А.В.Чичерин, М.Б.Храпченко, А.Н.Соколов, Г.Н.Поспелов, Ю.Борев, Н.В.Драгомирецкая, С.М.Бонди, А.Б.Есин, С.Мамажонов, П.Қодиров, Ў.Носиров, Ҳ.Болтабоев, Н.Шукуров, Н.Аҳмедов, Й.Солижонов, Т.Бобоев, С.Содиқ, С.Ахметов, Қ.Жаримбетов, Ж.Есенов, П.Нуржановларнинг илмий-тадқиқот ишлари, илмий-назарий аҳамиятга эга фикрлари методологик манба вазифасини ўтади.

Ишни ёзиш давомида асосан қиёсий-типологик, бадиий-эстетик таҳлил методлари, шунингдек, психологик, услубий ва структурал метод тамойиллари қўлланилди.

Диссертацияда XX аср 80-йиллари қорақалпоқ қиссаларидаги услубий изланишларни ушбу даврдаги рус, қирғиз, ўзбек насрининг таниқли асарлари билан қиёсий-типологик аспектда ўрганишда А.Акматалиев, И.Ғафуров, К.Алламбергенов, С.Баҳодирова, А.Султановларнинг илмий-назарий фикрларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий фарази: 1) XX аср 80-йиллари қиссалари лиро-психологик ва психологик романлар тараққиёти учун ижодий тажриба ва асос бўлиши мумкин; 2) қиссалардаги ривоя усуллари келажакда бадиий насрнинг барча жанрларида фаол қўлланилиши мумкин; 3) ёзувчи ижодий лабораториясини ўрганиш масаласи янги тадқиқотлар учун асосий муаммо бўлиши ва муҳим илмий тажриба вазифасини бажариши мумкин.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Бадиий насрдаги услубий изланишлар индивидуал ижод билан алоқадор жараён эканлиги, бадиий насрда пайдо бўлган ҳар қандай янги услубий йўналиш шу давр рухияти, адабий жараён ва энг асосийси ҳар бир ёзувчининг ўзлиги билан ҳамбарчас боғлиқ эканлиги.
2. 1980-йиллар қорақалпоқ қиссаларида лиро-психологик ва психологик ифоданинг етакчи мавқега қўтарилганлиги. Бунда қиссаларнинг фалсафий, ғоявий мазмуни услубий йўналишдаги изланишларга таянч бўлганлиги.
3. Қаҳрамон характери очишда бадиий психологизмнинг қўлланиши ривоя шакллариининг тасвир имкониятлари орқали белгиланиши.
4. 1980-йиллар қорақалпоқ қиссачилигидаги етакчи услубий изланишлар композицион инкишоф (воқеа-ҳодисаларнинг қисқа фурсатларга жойлаштирилиши) билан алоқадор эканлиги.
5. Ушбу давр қиссаларида фаол ишлатилган стилистик усуллардан бири зиддиятчи интонациянинг янгича бадиий изланишлардан бири эканлиги ва унинг бадиий асарда тағмот мазмунини ифодалашда алоҳида вазифа бажариши.
6. Ёзувчи ижодий лабораторияси унинг индивидуал услубига боғлиқ ҳодиса эканлиги; адибнинг қаҳрамон характери яратишдаги услубий изланишлари, сюжетни шакллантириш ва образ яратиш усуллари, бадиий матн устида ишлаш техникаси, шунингдек, бадиий таржиманинг қиссалар услубига таъсири.

Илмий янгилиги. Қорақалпоқ адабиётида услуб муаммоси, шу жумладан қорақалпоқ қиссасидаги услуб муаммоси етарли ўрганилмаган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги XX аср 80-йиллари қорақалпоқ қиссачилигининг услуби масаласи адабиётшуносликда илк бор махсус объект сифатида монографик тарзда ўрганиладиганлигида кўринади.

Диссертацион ишда 1980-йиллар қорақалпоқ қиссаларининг қуйидаги услубий, шаклий, композицион ва бадиий хусусиятлари очиқ берилди:

- 1980-йиллар қорақалпоқ қиссаларининг жанрий-услубий тараққиёт йўли белгилаб олинди;
- ёзувчилар ижодида бадиий услуб тадрижи масаласига диққат қаратилди;
- ижодкор услубий изланишларининг қорақалпоқ насридаги вазифавий ўрни ва илмий моҳияти ёритилди;
- ёзувчининг бадиий маҳорати, ижодий лаборатория ва индивидуал услуб тадрижи муаммолари У.Пиржанов, Ш.Сейитов, Г.Есемуратова, А.Халмуратов, Е.Ўтепбергеновларнинг қиссалари мисолида таҳлил ва талқин қилинди;
- тадқиқ қилинаётган давр насри ривоя типологиясидаги новаторликлар инкишоф этилди;
- қорақалпоқ адабиётшунослигида жиддий тадқиқ топмаган «ривоячи ва муаллиф образи», «ҳикоячи-қаҳрамон», «бадиий замон ва бадиий макон» ҳамда «зиддиятли интонация» («противительная интонация») усуллариининг услубий изланишлардаги ўрни ва роли илмий баҳоланди;
- ёзувчиларнинг ижод лабораториясига хос характерли хусусиятлар (ўхшаш сюжет ва образлар тадрижи, ёзувчиларнинг бадиий матн устида ишлаш усуллари, шунингдек, бадиий таржиманинг индивидуал услубга таъсири) аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда қўлга киритилган натижа ва хулосалар XX аср қорақалпоқ насри ҳақида илмий-назарий қарашларни тўлдиришда, ҳозирги адабий жараён ва индивидуал услуб масалалари тадқиқида, янги давр насрининг тараққиёт қонуниятларини белгилашда илмий манба сифатида хизмат этади. Шунингдек, тадқиқот иши натижаларидан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида махсус курслар ҳамда семинарлар ташкил қилишда, замонавий қорақалпоқ адабиётидан дарслик ва қўлланмалар тузишда фойдаланиш мўмкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети профессор-ўқитувчиларининг анъанавий илмий-назарий анжуманларида (2005-2009 йй), шунингдек, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети ва Қорақалпоқ давлат университети ҳамкорлигида ташкил қилинган «Журналистика ва адабиёт: кеча ва бугун» мавзусидаги илмий-назарий анжуманда, Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими ташкил қилган таниқли фольклоршунос олим Қ.Айимбетов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган халқаро конференцияда, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети рус филологияси факультети томонидан ташкиллаштирилган «Концептуальные проблемы мировой литературы и лингвистики в социокультурном пространстве XXI века: теория, методология, практика» мавзусидаги олий ўқув юртлариаро илмий-амалий анжуманда маърузалар қилинди.

Ишнинг асосий мазмуни «ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг хабаршиси», «Амударё» журналларида эълон қилинган 7 та мақола ва мавзу бўйича тайёрланган тезисларда ўз аксини топган.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертацион иш Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қорақалпоқ адабиёти тарихи ва фольклори, адабиёт назарияси ва ўқитиш методикаси кафедралари қўшма мажлисида (2009 йил 1 июлдаги 4-сонли баённома), мазкур университет ҳузуридаги Д.067.10.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда (2009 йил 11 декабр 5-сонли баённома) муҳокама қилиниб, тугалланган тадқиқот сифатида ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот асосий мазмуни диссертация бўйича эълон қилинган тўрт мақола ва учта тезисда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертацион иш кириш, учта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 164 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг «**Кириш**» қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, ўрганиш объекти ва предмети, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот усуллари ҳамда манбалари ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Қорақалпоқ қиссаси услуби тадқиқининг назарий масалалари**» деб номланган биринчи боби уч фаслдан ташкил топган. Бобнинг «**Услуб ҳақида умумий назарий тушунчалар**» мавзусидаги биринчи фаслида услуб ҳақида умумназарий тушунчалар изоҳланиб, қўйилган масала назарий жиҳатдан асосланади. Фаслда қадимги давр қомусий олими Г.Гегель асарларидан тортиб, рус олимлари В.Г.Белинский, В.В.Виноградов, А.Н.Соколов, Г.Н.Поспелов, А.В.Чичерин, Э.Эльсберг, М.Б.Храпченко, Ю.Борев, ўзбек олимлари Ў.Носиров, Ҳ.Болтабоев, С.Содиқ, ҳозирги ўзбек романи услубий хусусиятларини тадқиқ қилган М.Пирназарова, шунингдек, қорақалпоқ олимлари С.Ахметов, Қ.Султанов, Қ.Жаримбетов сингари адабиётшуносларнинг назарий тадқиқотларигача услуб атамасига муносабат нуқтаи назаридан ўрганилди, услубга берилган таърифлар таҳлилга тортилди. Турли муносабат ва қарашлардан келиб чиқиб, услубни мазмун ва шаклнинг бирлигидан излаш керак, лекин, унда мазмуннинг етакчилик вазифаси ҳисобга олинмоғи даркор, деган хулосага келинди. Шунингдек, ушбу фаслда услубнинг бадиий-эстетик ҳодиса эканлиги, ижодкорнинг индивидуал услуби ва бадиий асар услуби, услубнинг хусусий ва умумий жиҳатлари юзасидан фикрлар ўртага ташланди, муайян хулосалар чиқарилди.

Ўзбек адабиётшунослигида М.Пирназарова «Адабий асар услуби заминида ёзувчи услуби туғилади. Бу услубда ва ҳар бир муваффақиятли асарда муаллифнинг ўзлиги намоён бўлади. Услубий тамойиллар истеъдод табиати, ижодий қиёфаси, тафаккур тарзи, ифода йўсини адабий анъаналарга муносабатига боғлиқ. Услубий индивидуаллик бадиий асарнинг барча сатҳларида намоён бўлади. У типологик яқинликни инкор этмайди»¹ дея таъкидлайди. «Бадиий услубнинг типологик яқинликни рад қилмаслиги» унинг умумий жиҳатлари ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади. Диссертацияда бадиий услуб назарияси масалалари билан махсус шуғулланган рус олими А.Н.Соколовнинг «Индивидуал услуб – бу умумий услубнинг хусусий варианты»² деган мулоҳазаси ҳам тасдиқланди. Ушбу нуқтаи назардан ишда услуб ҳодисаси бир вақтнинг ўзида ҳам хусусий, ҳам умумий хусусиятларга эга бўлади деган, хулосага келинди. Чунки ҳар қандай услубий изланишлар ҳар бир миллий адабиётнинг тараққиёт қонуниятларидан, адабиётда шаклланган адабий анъаналардан келиб чиқади.

«**Қисса жанрининг табиати ва бадиий услуб. 1980-йиллардаги қорақалпоқ қиссаларининг жанрий-услубий хусусиятлари**» дея номланган иккинчи фаслда қисса жанрининг ўзига хос хусусиятлари таҳлилга тортилади. Унда тадқиқотчилар Қ.Камалов, Ж.Есенов, ҳикоя жанри бўйича дастлабки тадқиқотлар олиб борган С.Баҳодирова, кейинги йиллардаги ҳикоя жанри тараққиёт тамойилларини тадқиқ қилган А.Аманова каби адабиётшуносларнинг тажрибалари билан ҳисоблашган ҳолда 1980-йиллар қорақалпоқ қиссаларини асосан лиро-психологик, психологик, эпик, сатирик-юмористик каби хилларга тасниф қилиб ўрганилди ва шу асосда ёзувчи Г.Есемуратованинг «Жийрон» (1985), Ш.Сейитовнинг «Ишига илова қилинсин!..» (1986), Е.Утепбергеновнинг «Қумар» (1986) қиссалари 1980-йиллар лиро-психологик қиссалари қаторига киритилди. А.Халмуратовнинг «Бир оқшом» (1981), У.Пиржановнинг «Қорда қолган излар...» (1984), «Апрелнинг сўнгги оқшоми» (1987) қиссаларида психологик ифоданинг унумли ва ўринли ишлатилишини эътиборга олиб, улар психологик қисса намуналари сифатида баҳоланди. Диссертацияда қиссалардаги лиро-психологик ифода шакли хусусидаги

¹ Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам): Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: 2006. – 18 б.

² Соколов А.Н. Теория стиля. – Москва: Искусство, 1968. – 159 с.

қорақалпоқ адабиётшунослари Қ.Камалов, Ж.Есенов, Ж.Наримбетовларнинг мунозарали фикрларига муносабат билдирилиб, шу аснода Ш.Сейитов ва У.Пиржановлар насрида лирик тасвирнинг қўлланилиш хусусиятлари таҳлил қилинди. Ишда 1980-йиллар қорақалпоқ қиссаларида психологик тасвирнинг янада чуқурлашиш ва турғунлашиш ҳолати талантли ёзувчилар Амангелди Халмуратов ҳамда Узақбай Пиржановлар қиссалари таҳлили ва талқини асосида ишотланди. Хусусан, А.Халмуратовнинг «Бир оқшом» қиссасида инсоннинг рухий олами, ирода кучи, унинг табиатида курашчанлик касалманд артист Искандар образи орқали фалсафий йўналишда кашф этилади. Муаллиф қиссада ҳаёт ҳақида, умрнинг, кишилар орасидаги муносабатнинг мураккаб жиҳатларини рухий манзаралар тасвири орқали жонлантиришга эришади. Шунинг учун ҳам А.Халмуратовнинг бу қиссаси жанрий-услубий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда «психологик қисса» сифатида қайд қилинди. У.Пиржановнинг «Қорда қолган излар...» ва «Апрелнинг сўнгги оқшоми» қиссаларининг асосий мотиви – бефарзандлик. Ҳар иккала асарда илгари сурилган фикр одамзотнинг ўз ортида из қолдириш, жаҳонда бани башар наслини давом эттириш сингари умуминсоний (гуманистик) ғоядир. Диссертацияда адабиётшунос П.Нуржановнинг бадиий адабиётда «Кўпинча, характернинг ғоявий-ахлоқий, фалсафий табиатини очишга асос бўладиган проблематикагина бадиий психологизмни талаб этади»¹ деган фикрлари инobatга олиниб, У.Пиржановнинг бу қиссаларини «психологик қисса» сифатида қайд қилишга тўла асос мавжудлиги уқтирилди. Ишда инсон ҳаёти ва руҳияти билан боғлиқ маънавий-моддий ҳодисалар, фикр-туйғулар билан дахлдор ҳолатлардан фалсафий-психологик хулоса чиқариш XX аср 80-йиллари қорақалпоқ қиссачилигида бадиият йўлида изланишларнинг асоси бўлганлиги уқтирилди.

Бобнинг учинчи фасли «**Ҳозирги қорақалпоқ қиссаларида анъана ва новаторлик (ғоявий, тематик, жанрий, шаклий изланишлар)**» дея аталиб, унда адабий анъаналарнинг услубга алоқадорлиги масаласининг бугунги кунгача адабий муҳитда махсус равишда ўрганилмагани қайд қилинди, хусусан, 1980-йиллар қорақалпоқ қиссалари адабий анъаналар ва новаторлик аспектида тадқиқ қилинди. Фаслда 1980-йиллар қорақалпоқ қиссанавис ёзувчилари томонидан оғзаки ижод анъаналари билан биргаликда таниқли сўз усталари ифода усулларида ижодий фойдаланиш маҳорати билан боғлиқ масалаларга муносабат билдирилди. Анъана ва ижодий ўзлаштириш хусусияти ва меъёри муайян мисоллар асосида аниқланди. XX аср 80-йиллари қорақалпоқ насрида поэтик тафаккурнинг сезиларли равишда ўсиб-ўзгарганлиги, унда бадиий моҳиятнинг янгиланиши, фалсафий-интеллектуал оҳангнинг кучайиши, реал воқеликнинг турфа миқёслардан тасвирланиши, поэтик мушоҳада маданиятининг такомилли кўзга ташланиши ёзувчи А.Халмуратовнинг «Бир оқшом» қиссаси мисолида очиб берилди. Асарда яхшилик ва ёмонлик орасидаги мангу зиддиятнинг мифологик талқин асосида очиб берилиши, хусусан, қиссада юнон мифологиясидаги Зевс, қорақалпоқ фольклоридаги Ўмирбек лаққи ва Шайтон сингари анъанавий образлар воситасида амалга оширилди. Диссертацияда Г.Есемуратовнинг «Жийрон» қиссасидаги от образи туркий халқлар адабиётида Ч.Айтматов, Т.Мурод асарларида ифода топган от образи билан қиёсий тадқиқ қилинди. Ишда ушбу масала юзасидан ўзбек адабиётшунослигида И.Мирзаев, қорақалпоқ адабиётшунослигида С.Ахметов, С.Баҳодирова, А.Султановларнинг асарларидаги илмий-назарий фикрлари чоғиштирилиб, Г.Есемуратовнинг Жийронини ва Т.Муроднинг Тарлонини бевосита Ч.Айтматовнинг Гулсарисининг ижодий таъсири самараси эмас, ушбу уч ёзувчининг ҳам халқ оғзаки ижодининг ниҳоятда бой бадиий анъаналаридан ўрганиши, ижодий ўзлаштириши натижаси деб қараш кераклиги қайд этилди. У.Пиржановнинг «Апрелнинг сўнгги оқшоми» қиссасида Лукмони Ҳаким, Ибн Сино ҳақидаги халқ ривоятларига мурожаат қилинади, шунингдек, қорақалпоқ халқ қаҳрамони Эрназар Олакўз, унинг онаси Қумар

¹ Нуржанов П. Ҳозирги қорақалпоқ прозасида кўркем психологизм маселеси // ӨзИА ҚҚБ хабаршысы. – Нөкис, 2002. - № 3. – Б. 79.

отин тўғрисидаги ривоятларнинг муаллиф ғоявий-эстетик мақсадини намоён қилишдаги ўрни ва ролига диққат қаратилади. Қиссада ривоятларга мурожаат воситасида одамзот насли генетикаси, соғлом авлод тўғрисидаги масала кўтарилади. Бу муаммолар Эрназар бий ва Жангабай полвон ҳақидаги ривоятлар ёрдамида акс эттирилади. Диссертацияда бадиий изланишлар орқали У.Пиржанов қорақалпоқ адабиётида илк бор *соғлом авлод муаммосини* кўтариб чиққан новатор ёзувчи сифатида баҳоланади. Тадқиқотда У.Пиржанов қиссаларида ривоят ва афсоналар ёрдамчи омил вазифасини бажариши илмий далиллар орқали кўрсатиб берилди. Ишда У.Пиржановнинг «Қорда қолган излар...» (1984) қиссасидаги ифода воситалари билан ўзбек ёзувчиси Т.Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» (1985) қиссасининг ғоявий-тематик жиҳатдан яқинликлари, уларнинг бадиий-эстетик қиймати тўғрисидаги ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшунослари А.Отабоев, Қ.Камаловларнинг танқидий фикрларининг ўзаро ўхшашликлари чоғиштириш асосида очиб берилди. Диссертацияда мазкур ҳамоҳанглик ва яқинликлар типологик ўхшашликлар эканлиги илмий таҳлиллар орқали исботлаб берилди. Е.Ўтепбергеновнинг «Қумар» қиссасида эса, ёзувчининг адабий анъаналарни унумли қўлланиши, қиссанинг прологидagi «куш» символик образидан фойдаланиши, Ч.Айтматовнинг «Биринчи муаллим» қиссасидаги «кўш сарви» символик образига ўхшаши, шунингдек, мазкур қиссанинг қирғиз ёзувчисининг «Жамила» асари билан ғоявий-тематик яқинликлари типологик алоқа эмас, қорақалпоқ ёзувчисининг устоз адибнинг «махорат мактаби»дан ўрганиши натижасида юзага келган бадиий новаторлик сифатида қайд этилди.

Диссертациянинг биринчи бобида қўйилган масалалар бўйича тегишли хулосалар қилинди, уларга ишнинг кейинги қисмидан ўрин ажратилди.

Ишнинг иккинчи боби **«Ҳозирги қорақалпоқ қиссаларининг композицион хусусиятлари»** деб аталиб, у уч фаслга бўлинган. Бобнинг **«Қаҳрамон психологияси ва ривоя типологияси»** деб аталадиган биринчи фаслида XX аср 80-йиллари қорақалпоқ қиссачилиги услубий тизимида ривоя шакллари ва усуллари характери ни кашф этиш асносида таниқли рус адабиётшунослари М.Бахтин, А.Б.Есин, Н.В.Драгомирецкая, ўзбек адабиётшунослари Ҳ.Ёкубов, Н.Аҳмедов, Й.Солижонов, Ў.Носиров ва қорақалпоқ адабиётшунослари М.Нурмухамедов, С.Баҳодирова, Қ.Камалов, Ж.Есенов, П.Нуржанов ва бошқа олимларнинг масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларига таянилди. Ушбу давр қорақалпоқ қиссаларининг ривоя типологиясида асосан биринчи шахс ва учинчи шахс кўринишлари қўлланилганлиги, ривоянинг биринчи шахс ва учинчи шахс нутқидан берилиш ҳолатлари ривоячи, муаллиф ва ҳикоячи образлари томонидан берилиши конкрет мисоллар ёрдамида исботланди. Г.Есемуратованинг «Жийрон», Е.Ўтепбергеновнинг «Қумар» ва Ш.Сейитовнинг «Ишига илова қилинсин!...» қиссаларида воқеалар биринчи шахс тилидан баён қилинади ва бу «ҳикоячи-қаҳрамон» атамаси билан юритилади. Бундай ривоя ҳам ички турларга бўлинади. Чунончи, қаҳрамонларнинг оғзаки ҳикоялари, ёзган мактублари, кундалиги шаклида бўлиши мумкин. Шунингдек, сюжетни учинчи шахс тилидан ривоя қилинадиган шаклида муаллиф образининг ташкилотчилик хизмати, айниқса, асар қаҳрамонларининг монолог ва диологлари асосида муаллиф қарашларининг акс этиши ишда муайян мисоллар ёрдамида далилланди. Ишда ҳикоячи субъект формаси Г.Есемуратова, Ш.Сейитов ҳам Е.Ўтепбергеновларнинг қиссаларида воқеаларни ўз тилидан гапириб берувчи персонажлар Гулхан, Абилқасим ва Бахтлар мисолида аниқланди. Хусусан, Ш.Сейитовнинг биринчи шахс тилидан ривоя қилинган «Ишига илова қилинсин!...» қиссасида муаллиф ҳали ўзлигини топмаган онг-санаси паст қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини тасвирлаб, турғунлик давридаги айрим кишилар характеридаги манқуртлик психологиясини бош қаҳрамон Абилқасим ёзган кундалик воситасида очиб беради. Кундаликда ноҳақдан кесилиб бораётган милиция капитани Назар Турдишев ва Абилқасимнинг руҳий ҳолати ўз тилларидан ғоят жонли тарзда ифода топган. Турғунлик даврида жамиятда юз берган адолатсизликларнинг инсон шахси, тақдирига етказган маънавий зарбаси бошқа қаҳрамонлар (Қатийра деган аёлнинг) тилидан ҳам баён қилинади, шунингдек, тирикларни бу ёқда қолдириб, мурдаларни ҳам

талашга ўтиб кетган айрим кимсаларнинг (олтинсевар Жуманазар Шамековнинг) баданни жунжиктирадиган ҳаракатлари қаҳрамон нутқи воситасида бадий кашф қилинади. Диссертацияда шундай композицион ривоя усули орқали ҳикоячи-қаҳрамон тили билан персонажлар тилининг чоки моҳирлик билан бирикиб, асар ғоясини ташишнинг фаол воситаларидан бирига айланганлиги исботланади. Шунингдек, биринчи шахс тилидан қилинган ривояда қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатларини, қалб кечинмаларини ўзи ҳикоя қилиши бу асарларда ривоя шаклининг лирик йўналиш хусусиятларига мойил бўлишини таъминласа, учинчи шахс ривоя тизимида ҳар хил композицион ривоя усуллари татбиқ қилиш имконияти кўп эканлиги У.Пиржановнинг 1960-80 йиллар қиссалари асосида кўрсатиб берилди. У.Пиржанов қаламига мансуб «Апрелнинг сўнгги окшоми» қиссасида бош қаҳрамон Қўсберген чол тилидан (ички монологда) 1980-йиллардаги овул халқининг ижтимоий аҳволи (шифохоналарнинг етишмаслиги, мавжудларининг ночор даражадалиги, етарли жиҳозланмаганлиги каби) тўғрисида аччиқ ҳақиқат очиқ берилган. Асарда қаҳрамоннинг ўзи яшаётган жамият ҳақидаги фикрлари муаллиф томонидан ўқувчига йўналтирилган тўғри нутқ кўринишида берилган. Рус адабиётшуноси М.Бахтин қаҳрамонларнинг тўғри (китобхонга қаратилган) гапларини тасвирланаётган объектив нутқнинг бир мунча типик ва кенг тарқалган тури сифатида таъкидлаб, «Муаллиф контекстида, айтилик, бир қаҳрамоннинг тўғри гапи бўлса, олдимизда бир контекст ичида икки нутқ маркази ва икки нутқ бирлиги: муаллиф нутқи бирлиги ва қаҳрамон нутқи бирлиги туради. Бироқ иккинчи бирлик эркин бўлмай, биринчисига тобеъ ва унинг кўринишларидан бири сифатида мавжуд бўлади»¹ деб уқтирган эди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, муаллиф образи асар композициясида ҳам барча ривояларни ташкиллаштирувчи ва асарнинг ғоявий-бадий мақсадига хизмат қилувчи вазифа бажаради деган хулоса чиқарилди.

Бу фаслда асар қаҳрамонларининг туш кўриш мотиви, яъни қаҳрамон руҳий ҳолатини башорат қилиш усули барча асарларда эмас, балки учинчи шахс тилидан баён қилинадиган А.Халмуратовнинг «Бир окшом», У.Пиржановнинг «Қорда қолган излар...», «Апрелнинг сўнгги окшоми» сингари психологик қиссаларида қўлланилганлиги мисоллар воситасида таҳлил қилинди. Шунингдек, У.Пиржанов қиссалари ривоя усулида юмористик ва сатирик ифода воқелик тасвирининг бошқа кўринишлари билан, хусусан, фожиавий, драматик тасвир усули билан биргаликда фойдаланилиши ёзувчи индивидуал хусусиятларидан бири сифатида талқин қилинди. (Бу ҳолат диссертацияда бадий матндан келтирилган мисоллар воситасида кенг таҳлил орқали далилланди). Мазкур бобда қиссаларнинг композициясида сюжетга муваққат қисқа муддатли тўхтаб бериб, асарда психологик таҳлилни кучайтириш учун қўлланиладиган ривоя турларининг (пейзаж ва портрет тасвирлари) бадийликни таъминлашдаги ўрни ва роли кўрсатиб берилди.

Иккинчи фасл «**Ривояда бадий вақт масаласи**» деб номланиб, унда бадий вақт масаласи юзасидан қисса ва романлар қиёсий тадқиқ қилинди. Асарлардаги бундай услубий изланишлар тадқиқотда адабиётшуносликда И.Б.Роднянская, В.Я.Линков, А.Б.Есин, Ғ.Ташпулатов, А.Султанов, П.Нуржанов, Қ.Юсупов ва бошқаларнинг илмий-назарий фикрлари асосида ўрганилди². А.Халмуратовнинг «Бир окшом», У.Пиржановнинг

¹ Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. Издание третье. – Москва: Художественная литература, 1972. - 318-319 с.

² Роднянская И.Б. Художественное время и художественное пространство // Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1987. - 489 с.; Линков В.Я. Художественный мир прозы А.П.Чехова. – Москва: МГУ, 1982. - 122 с.; Ташпулатов Ғ. Г. Нравственные искания в современной узбекской повести (М.М.Дост, Т.Мурод, Ғ.Хатамов): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1993; Султанов А. Қарақалпақ прозасында "Ш.Айтматов мектеби" (Ш.Айтматов ҳам қарақалпақ әдебияты мәселесине) // ӨзИА ҚҚБ хабаршысы. – Нөкис, 2002. - № 3; Султанов А. Қарақалпақ прозасында Ш.Айтматовтың поэтикалық дәстүрлери. – Нөкис: Билим, 2007; Нуржанов П. Ҳәзирги қарақалпақ прозасында көркем психологизм мәселеси // ӨзИА ҚҚБ хабаршысы. – Нөкис, 2002. - № 3; Нуржанов П. Ҳәзирги қарақалпақ романы поэтикасы (Композициялық ҳам жанрлық-стильлик өзгешеликлери). – Нөкис:

«Қорда қолган излар...», «Апрелнинг сўнгги оқшоми» қиссалари ва Ш.Сейитовнинг «Чароғбонлар» романида воқеаларнинг қисқа фурсатларга («бир оқшом»га) қурилиш усули Ч.Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» романи, В.Распутиннинг «Ёнғин», Ғ.Ҳотамовнинг «Қудук тепасидаги ой» қиссалари билан чоғиштириб ўрганилди. Бу асарларда қисқа фурсатлар «бир кун», «бир тун», «бир оқшом», «бир сутка» тушунчалари аллегорик-символик мазмун ифодаси учун ва психологик-композицион вазифа мақсадида қўлланилганлиги исботланди. Хусусан, А.Халмуратовнинг «Бир оқшом» қиссасида бир тунлик воқеа орқали умр бўйи ҳақиқатга интилган касалманд артист Искандар орзу-армон, руҳий изтироблари аллегорик усулда очиб берилади. Асарда артист Искандар ўзига руҳий мадат ва илинжни ёш ёзувчи Султаннинг ҳикоясидан олади. Қиссада Султан ўзининг бир тунда ёзган ҳикоясини Искандарга ва унинг икки дўсти – врач ва артист чолларга яна бир оқшом ичида тинглатади. Бу «оқшом» ёш ёзувчи Султан учун катта бир синов бўлса, Искандар чол учун бутун умрининг мазмунини очиб берадиган рамзга айланади. Бадиий насрда «...персонаж хотирасига воқеаларни ривожлантириш учун ички макон сифатида мурожаат этиш: сюжетдаги бадиий замоннинг узик-юлуқ, орқага қайтиб ва аралаш ва бошқа усулларида берилиши муаллиф ташаббуси эмас, балки хотирлаш психологияси сифатида изоҳланади... Қахрамон онгининг бундай қурилиши хатти-ҳаракатнинг асосий замонини бир неча кун ва соатларга қисқартиришга имкон беради, шу аснода хотира экранига инсоннинг бутун умрининг замон ва макони кенгайтирилиб кўрсатилиши мумкин»¹ бўлади. 1980-йиллар қорақалпоқ қиссачилигида қахрамон хотираси ва таассуротларига ички макон сифатида мурожаат этиш ҳолати У.Пиржановнинг «Қорда қолган излар...» ва «Апрелнинг сўнгги оқшоми» қиссаларида учрайди. Мазкур асарларда бадиий психологизм сюжетнинг қисқа фурсатларга уюштирилиши туфайли янада чуқурлашгани сезилади. Ёзувчининг дастлабки қиссасининг сюжети тўлалигича ўтган воқеаларни (бефарзанд Сийпатдийиннинг кампири Палбийке билан кечирган бутун умрини) қахрамоннинг бир тунги хотираси ва таассуроти, кўз олдида келтириши асосига қурилган бўлса, иккинчи қиссада бу хотира ва таассуротларга параллел тарзда ҳозир (воқеа бўлаётган давр) рўй бераётган фожиавий ҳодиса ҳам (невара кўришни орзулаб юрган Кўсберген чолнинг келинидан айрилиб қолиш воқеаси) бир оқшомда юз беради. Бунда тасвирланаётган замонга дахлдор бадиий макон ҳам ўзгаришларга учрайди. Композицияни уюштиришдаги бундай ўхшашликларнинг 1980-йиллар қорақалпоқ насрида (қисса ва романларда) тез-тез учраши бадиий насрда психологик ифоданинг унумли қўлланиладиган услубий таомилга айланганлиги ижоддаги новаторлик сифатида изоҳланди.

«Бадиий наср тилида зиддиятли интонация вазифаси» деб номланган учинчи фаслда қиссалар тилида қўлланиладиган стилистик усуллардан бири – зиддиятли интонациянинг моҳияти тадқиқ қилинди. Тадқиқотда рус адабиётшунослари А.В.Чичерин, Н.В.Драгомирецкаяларнинг тажрибалари ҳисобга олинди. «Зиддиятли интонация» («противительная интонация») тушунчаси қорақалпоқ адабиётшунослигида илк марта қўлланилди ва унинг қахрамон тақдиридаги фожиавий, драматик ҳолатларни акс эттиришдаги вазифаси У.Пиржановнинг «Апрелнинг сўнгги оқшоми» қиссаси мисолида очиб берилди. Рус адабиётшуноси А.В.Чичерин «Ғоя ва услуб» асарида зиддиятли интонация вазифасини биринчи навбатда рус адабиётида ҳикоя жанри устаси А.П.Чехов ижоди мисолида изоҳлаб, унинг кўпинча қарама-қарши маънодаги ёрдамчи сўзлар (зидлов боғловчилар) воситасида намоён бўлишини, бундай ёрдамчи сўзлар эса, инсон ҳис-туйғуси, фикри ва руҳий ҳолатларини таъкидлаб кўрсатишда одатдаги тушунчаларга зид келишини таъкидлаган² бўлса, Н.В.Драгомирецкая Чехов насрида зиддиятли интонация

Билим, 2008; Юсупов Қ. Прозаның жаңаша қырлары // Еркин Қарақалпақстан газетасы. – Нөкис, 2005. - № 112. 20-сентябрь.

¹ Роднянская И.Б. Художественное время и художественное пространство // Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1987. - 489 с.

² Чичерин А. В. Идеи и стиль. Издание второе, дополненное. – Москва: Советский писатель, 1968. - 316 с.

қахрамоннинг рухий ҳолати билан алоқадор ғайримантикий маънода ишлатилганини исботлашга интилади¹. У.Пиржанов ҳам зиддиятли интонацияни қахрамон ёки муаллиф «тили остидаги нарсани»ни ифодалаш учун хизмат қилдиради. Чунончи, қиссада неварасуишни орзу қилган Қўсберген чолнинг боласи Бахтиёр образи тубандаги ривояларда аниқ очилади: *«Негедур ол, баласы Бахтыяр изине түсип ишетугын әдетти шығарғаннан бери, ишинде аразының бары-жоғына қарамастан, усы тақлеттеги шийишелерди жек көретугын еди...»*². Қабарик тасвирда Қўсбергеннинг рухий драматизмига асос бўлган «шиша» детали орқали чолнинг арақхўр боласи образи очила бошлайди. Бу ўринда бадий асарни ривоя давомида ишлатилган «қалайда», «деган билан», «негедур» қарши маъноли ёрдамчи сўзлари қахрамон ҳаёти драматизмининг ёрқинроқ очилишига хизмат қилади. Китобхон Қўсберген чолнинг нега шифохонага келинининг изидан қариб-қартайган ҳолига, ҳаво авзойининг бузилишига қарамасдан ўзи чиққанлигини аста-секин тушуна бошлайди ва қахрамоннинг ушбу дақиқадаги рухий ҳолатига нисбатан чуқур ҳамдардлик туйғуларини кўнгилдан кечиради. Қиссадаги *«Жолда нелер болмайды дейсең. Жаңа ма оның бул жоллардан пиядалап жүрип киятырганы... Деген менен Қосберген бала болған жыллары да усы жол – жолдың өне бойындағы мына егислик жерлер де бар еди. Бирақ, ҳазиргидей емес еди...»*³ парча тасвири замирида табиат (экология) масаласи ётганлигини сезиш унчалик қийин эмас. Қўсберген чолнинг ҳаёлларида муҳрланиб қолган табиатнинг бугунги ачинарли аҳволи «деган билан» зидлов боғловчиси орқали акс эттирилади. Бунда бутун гапнинг зид маъноси «деган билан», «бирок» ёрдамчи сўзлари воситасида зухурланади.

Диссертациянинг иккинчи бобида қўйилган масалалар юзасидан ҳам зарур хулосалар чиқарилди, улар ишнинг махсус қисмида.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ёзувчи лабораторияси ва индивидуал услуб»** дея аталиб, унда ёзувчининг индивидуал услубини аниқлашда унинг ижодий лабораториясининг ўрни қорақалпоқ адабиётшунослигида биринчи марта тадқиқ қилинди. Ёзувчи лабораториясининг индивидуал услубга алоқадорлиги масаласини очиб беришда ўзбек адабиётшунослигида сўнгги йилларда юзага келган диссертацион ишларнинг илмий-назарий тажрибаларидан фойдаланилди⁴. Бобнинг **«Ижод эволюцияси ва индивидуал услуб (ғоя ва образлар эволюцияси)»** дея номланган биринчи фаслида ёзувчи ижодий эволюцияси ва унинг индивидуал услуб билан муносабати масаласи ёзувчи У.Пиржановнинг «Сақолга томган кўз ёшлар» (1981) ҳикояси, «Апрелнинг сўнгги оқшоми» (1987) қиссаси мисолида тадқиқ қилинди. Маълумки, ёзувчининг «Сақолга томган кўз ёшлар» ҳикоясида қўлланилган сюжет ва образлар ривожлантирилиб, «Апрелнинг сўнгги оқшоми» қиссасида фойдаланилган. Бундай усулни Ш.Сейитовнинг асарларида ҳам кўриш мумкин. Масалан, «шайх» образи унинг қиссаларидан романларига ўтиб юриб, аксари асарлари сюжетида ўзига хос вазифа бажаради. Хусусан, Ш.Сейитовнинг «Халқобод» (1-китоб, 1977) романидан бошлаб «Ишига илова қилинсин!..» (1986) қиссаси, «Йўллар» шеърий тўплами (1987) ҳамда мустақиллик даврида ёруғ кўрган «Ёмон чиғоноқдаги Ақтуба» романида шайх образи акс эттирилган. Ёзувчи ҳарбитта асарида ушбу образ зиммасига алоҳида, катта ғоявий-бадий ва эстетик вазифа юклаган. Диссертацияда ёзувчи асарларининг бирдан иккинчисига кўчиб юрадиган бундай сайёр образлар ёзувчи маҳоратини ўрганишда, унинг ҳаёт ҳақиқатини

¹ Драгомирецкая Н. В. Автор и герой в русской литературе XIX-XX вв. – Москва: Наука, 1991. – 233-234 с.

² Пиржанов У. Апрельдің соңғы ақшамы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1987. – 8 б.

³ Ўша жойда, – 9-10 б.

⁴ Сатторова М. Р. XIX аср француз реалистик прозасининг бадий услуби масаласи (Стендаль ва О.Бальзак асарлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Самарқанд: 1996; Зиёдуллаева Н. Ш. Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (А.Қаххор ҳаёти ва ижоди асосида): Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: 2000; Тавалдиева Г. Шукур Холмирзаев ҳикояларида воқеликни бадий идрок этиш принциплари: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: 2001; Давронова Ш. Адабий жараён ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: 2004.

акс эттириш тамойилларини, ғоявий позициясини белгилашда, ёзувчи услубини аниқлашда алоҳида хизмат қилиши мисоллар ёрдамида исботланди. Тадқиқотда адиблар ижодида ўхшаш сюжет ва образларнинг унумли қўлланилиши, уларнинг асардан асарга «кўчиб юриши» оддий такрор эмас, балки бадиият йўлида изланишларнинг самараси эканлиги исботланди. Шунингдек, диссертацияда айрим ҳолатларда бундай изланишларнинг етарли даражада эстетик ҳодиса мақомига ета олмай, оддий тажриба (эксперимент) сифатида қолиб кетиш ҳолатлари мавжудлиги қайд қилинди. Ушбу илмий фикр У.Пиржановнинг ижодий лабораториясида «Майса» (1981) ҳикоясининг сюжети асосида ёзилган «Қизил каноп гуллари» (1987) қиссаси мисолида исботланди.

Бобнинг **«Қиссанависликда ижодкор маҳорати масаласи. Ёзувчи ва бадиий матн»** деб аталган иккинчи фаслида ёзувчиларнинг бадиий матн устида ишлаш усуллари асарларнинг журнал ва китоб нусхаларини чоғиштириш орқали тадқиқ қилинди. Диссертацияда ёзувчининг ўз асарини қайта ишлаши, қайта ишлашга қўйилган талабларга қараб, унинг индивидуал услубига хос белгиларни аниқлаш мумкинлиги мисоллар ёрдамида исботланди. Масалан, У.Пиржанов ўз асарини қайта чоп қилдиришда асар номини, қаҳрамонлар исмини ўзгартиришга кўпроқ эътибор берса, Ш.Сейитов асарларини қайта нашрдан чиқаришда уни услубий жиҳатдан такомиллаштиришга интилади, айрим тузатиш ва қўшимчалар киритади. Е.Утепбергенов эса, асарнинг қайта нашрида камчилик кетган ўринларни тўлдиришга, кўпинча қаҳрамонлар образини мукаммаллаштирадиган қўшимча ифодаларни киритишга ҳаракат қилиши очиқ берилди. Шунингдек, диссертацияда ёзувчининг ўз асарини қайта ишлашга ундаган омил ва сабаблар ҳам ўрганилди. Чунончи, Е.Утепбергенов асарини қайта ишлашда кўпинча ўқувчилар, адабий танқидчиларнинг илмий фикрларини инобатга олса, У.Пиржанов асарининг нисбатан бўш чиққан жойларини ўзича англаб, уларни қайта ишлаб, тузатишлар киритиши мисоллар воситасида ойдинлаштирилди.

Бобнинг **«Бадиий таржима ва индивидуал услуб»** сарлавҳаси остидаги учинчи фаслида бадиий таржиманинг индивидуал услубга таъсири масаласи тадқиқ қилинди ва шу асосда бадиий таржиманинг ёзувчи ижодий лабораториясида «маҳорат мактаби» сифатидаги омил эканлиги далилланди. 1970-80 йилларда талантли ёзувчи У.Пиржановнинг таниқли қирғиз ёзувчиси Ч.Айтматовнинг қатор қиссалари¹ ва «Асрга татиғулик кун»² романини қорақалпоқ тилига ўгириши, ёзувчи Ш.Сейитовнинг Ч.Айтматов асарларининг қорақалпоқ тилига таржимасига муҳаррирлик қилиши қорақалпоқ адибларига машҳур ёзувчи ижодий маҳорати қирраларини ўзлаштиришлари учун имкониятлар яратди. Ч.Айтматов аънаналарининг таъсирини У.Пиржановнинг «Қорда қолган излар...» (1984), «Апрелнинг сўнгги оқшоми» (1987) қиссаларида, Ш.Сейитовнинг «Чароғбонлар» (1986) романида аниқ кўриш мумкин. Ч.Айтматов насрига хос фожиавий-драматик ифодалар, умуминсоний масалаларни илғай олиш ва замонавий нуқтаи назардан ҳал қила билиш каби хосиятлар ҳамда шаклий изланишлар (асар сюжетини қисқа фурсатлар асосига қуриш усули) 1980-йиллар қорақалпоқ ёзувчи-таржимонларига улар томонидан қилинган таржималар орқали ўз таъсирини ўтказдики, бу адабий ҳодиса ҳам диссертацияда келтирилган аниқ далиллар асосида исботланди.

ХУЛОСА

Бадиий насрда услуб, унинг асар бадииятига таъсири масаласи 1980- йиллар қорақалпоқ қиссачилиги мисолида тадқиқ қилиш ва шу асосда ёзувчилар индивидуал услубини аниқлаш, шунингдек, адабиётшуносликда бадиий услуб поэтикаси хусусида шу кунгача юзага келган илмий-назарий фикрларни қиёсий ўрганиш қуйидаги хулоса ва натижаларга олиб келди:

¹ Айтматов Ш. Ўраы бол, Гўлсары! Повестьлер. – Нокис: Қарақалпақстан, 1979; Айтматов Ш. Ерте келген тырналар. Повестьлер. – Нокис: Қарақалпақстан, 1982;

² Айтматов Ш. Боранлы бандирги. Роман. – Нокис: Қарақалпақстан, 1993.

1. Бадиий услуб ёзувчи бадиий-эстетик қарашлари ва изланишларининг самараси бўлган адабий ҳодисадир. У анъана ва новаторлик, типологик алоқалар, композицион ривоя усуллари, бадиий тил маҳорати, ижод лабораторияси, бадиий изланиш эволюцияси сингари бадиий-адабий ҳодисалар билан тигиз муносабатдаги тушунча сифатида улар билан боғлиқликда ўрганилади.

2. 1960-80 йиллар қорақалпоқ қиссаларида лирик-психологик ва психологик жанрий-услубий изланишлар миллий адабий анъаналар ҳамда жаҳон адабиёти ифодалаш анъаналарининг синтези натижасида шаклланди. Бунда Ш.Сейитов ва У.Пиржановлар насрида лирик тасвир қўлланиши, биринчидан, уларнинг ижодий лаёқати билан, иккинчидан, лирик ва эпик тасвир синтези бўйича катта тажрибага эга миллий қиссаларимиздаги адабий анъаналар тадрижи ҳамда Ч.Айтматов поэтик анъаналари билан муштарак боғлиқ бўлди. Шунингдек, қисса жанри муайян муаллифлар учун роман жанрига ўтишда кўприк вазифасини ўтади.

3. 1980-йиллар қиссачилигидаги услубий изланишлар ёзувчиларнинг ижодий индивидуаллиги, халқ оғзаки ижоди анъаналари ва типологик ўхшашликлардан фойдаланиш натижаси ўлароқ майдонга келди. Хусусан, бугунги кун қаҳрамони қиёфасини, замонавий ҳаёт муаммоларини бадиий кашф этишда фольклорга – миф, ривоят, афсоналарга мурожаат этиш (А.Халмуратов, У.Пиржанов насрида) алоҳида услубий-шаклий усул сифатида қайд этилди. Инсонни шахс сифатида кашф қилиш, ҳаётини ички талатўплари, маънавий-ахлоқий қарашларини борица тасвирлаш тенденцияси, бир хил мотив, ўхшаш сюжетики, бир-бирига яқин шаклларда ёзиш шу даврдаги бадиий тафаккурнинг белгилловчи хусусияти сифатида ижодкорларнинг бир хил манбалардан илҳомланиши, бир ижтимоий-тарихий шароитда яшашлари билан боғлиқ адабий ҳодисалар сифатида баҳоланди.

4. Ўрганилган даврга хос етакчи услубий изланишлар бу – бадиий наср ривоя шакллари ва усуллариининг ифода хусусиятлари билан алоқадор тажрибалар саналади. Бунда биринчи шахс тилидан (субъектив) баён қилинган қиссаларда воқеаларга иштирок бир қаҳрамон назари билан акс эттирилгани учун бадиий психологизм кўринишларини истифода қилиш бироз чекланганлиги, учинчи шахс томонидан (объектив) ривоя қилинган қиссаларда психологик тасвирлаш имконияти бироз кенгайганлиги кўзга ташланади.

5. Айниқса, 1960-йиллар қорақалпоқ насрида лиро-психологик қиссалари билан танилган ёзувчи У.Пиржановнинг 1980-йилларга келиб, шу жанрда ривоянинг биринчи шахс шаклидан учинчи шахс кўринишига ўтиши, бадиий психологик ифода таомилини, реалистик тасвирлаш принципларини янада ўзлаштириш ва такомиллаштириш йўлидаги изланишлар билан узвий алоқадордир.

6. 1980-йиллардаги қорақалпоқ қиссаларида бадиий замон категорияси бўйича композицион новаторликлар майдонга келди. Бу хил услубий изланишларнинг ўша давр роман жанрида ҳам намоён бўлиши қорақалпоқ насрида композицион новаторликлар махсус яхлит ўрганишни талаб ва тақозо этади.

7. Ушбу давр қиссаларида кенг қўлланилган стилистик усуллардан бири зиддиятли интонация бўлиб, сўнгги давр янгича бадиият изланишларидан саналади. Улар асарда кўпинча тағматнга хос мазмунни ва қаҳрамон тақдири руҳиятидаги фожиавий, драматик вазият ва ҳолатларни инъикос этиш учун қўлланилган. Айниқса, зиддиятли интонациялар 1980-йиллар адабий жараёнида У.Пиржанов қиссаларида унумли фойдаланилди.

8. Ишда ёзувчи индивидуал услубини белгилашда унинг ижодий лабораториясини ўрганиш орқали олинган материалларга таяниб иш кўрилди. Ёзувчи лабораториясида ўхшаш сюжет ва образларнинг унумли қўлланишини ўрганиш орқали унинг характер яратиш санъати қирралари – индивидуал услуби очиқ берилди.

9. Ёзувчининг бадиий матн устида ишлаш тарзига қараб, унинг индивидуал услуби аниқланди.

10. Шу давр ёзувчилари томонидан амалга оширилган бадиий таржималарнинг индивидуал услуб тақомилидаги аҳамияти очиб берилди. Чунончи, 1970-80 йилларда талантили шоир, ёзувчи ва моҳир таржимон У.Пиржановнинг таниқли қирғиз ёзувчиси Ч.Айтматовнинг «ЎЖамила» асарини истисно қилганда барча қиссаларини ҳамда «Асрга татигулик кун» романини қорақалпоқ тилига ўгириши, Ш.Сейитовнинг қирғиз ёзувчисининг қорақалпоқ тилидаги бадиий таржималарига муҳаррирлик қилиши уларнинг индивидуал услуби тақомилида муҳим аҳамият касб этди.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сагидуллаева Ж. У.Пиржановтың "Апрельдің соңғы ақшамы" повестинде стильлик изленислер (композиция шеберлиги ҳаққында) // ӨзР ИА ҚҚБ хабаршысы. – Нөкис. 2006. - № 4. – Б. 118-119.
2. Сагидуллаева Ж. Ш.Сейитов дөретиўшилигинде образлар эволюциясы // ӨзР ИА ҚҚБ хабаршысы. – Нөкис. 2007. - № 4. – Б. 104-105.
3. Сагидуллаева Ж. Жазыўшы лабораториясы хэм индивидуаль стиль (жазыўшы хэм көркем текст мәселеси) // Әмиўдәрья. – Нөкис. 2008. - № 3. – Б. 126-128.
4. Сагидуллаева Ж. У.Пиржанов прозасында юмор-сатира // Әмиўдәрья. – Нөкис. 2008. - № 4. – Б. 119-122.
5. Сагидуллаева Ж. Повесть жанрының тәбияты хэм көркем стиль // Журналистика ва адабиёт: кеча ва бугун мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, Юрист-Медия маркази, 2008. – Б. 111-112.
6. Сагидуллаева Ж. Ҳәзирги қарақалпақ прозасында фольклорлық дәреклерден пайдаланыў шеберлиги // Национальный фольклор народов Центральной Азии и проблемы духовного обновления общества. Материалы международной научно-практической конференции. 27-28 ноября 2008. – Нукус, – С. 92-93.
7. Сагидуллаева Ж. Традиции Ч.Айтматова в современной каракалпакской прозе // Концептуальные проблемы мировой литературы и лингвистики в социокультурном пространстве XXI века: теория, методология, практика. Материалы межвузовской научно-практической конференции. 16 апреля 2009. – Ташкент, УзГУМЯ. – С. 201-203.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Сагидуллаева Джамиля Нуруллаевнанинг 10. 01. 04 – Туркий халқлар адабиёти (қорақалпоқ адабиёти) ихтисослиги бўйича «Қорақалпоқ қиссаларида услубий изланишлар (1980-йиллар қиссалари мисолида)» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: қисса, бадиий услуб, индивидуал услуб, лирик-психологик услуб, психологик услуб, анъана ва новаторлик, типологик ўхшашлик, ривоя шакллари ва усуллари, ҳикоячи, ривоячи ва муаллиф образлари, бадиий замон ва бадиий макон, зиддиятли интонация, ижодий лаборатория, ижод эволюцияси, сюжет ва образлар типологияси, бадиий матн ва индивидуал услуб, бадиий таржима ва индивидуал услуб.

Тадқиқот объектлари: А.Халмуратов, Г.Есемуратова, У.Пиржанов, Ш.Сейитов, Е.Ўтепбергеновларнинг XX асрнинг 80-йилларидаги қиссалари диссертациянинг тадқиқот объекти ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: XX асрнинг 80-йиллари қорақалпоқ қиссаларидаги услуб масаласини, ёзувчиларнинг қисса яратишдаги индивидуал услубини очиқ бериш. Шунингдек, ёзувчи ижодидаги бадиий услуб тадрижини аниқлаш, ривоя типологиясидаги янгилик (новаторликлар) ва ижодий лабораторияга ҳос изланишлар тадқиқотидан иборат.

Тадқиқот методлари: Ишда қиёсий-типологик, бадиий-эстетик таҳлил методлари, шунингдек, психологик, услубий ва структурал метод принципларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: XX асрнинг 80-йиллари қорақалпоқ қиссаларининг услуби илк бор махсус монографик йўналишда ўрганилди. Уларнинг жанрий-услубий хусусиятлари, ривоя шакллари ва усуллари, композицион новаторликлари, ёзувчи ижодий лабораторияси, сюжет ва образлар типологияси, бадиий матн устида ишлаш усуллари ва бадиий таржиманинг услубий изланишлардаги ўрни аниқланди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари умуман XX аср қорақалпоқ насри ҳақида илмий-назарий қарашларни янада тўлдиради, ҳозирги адабий жараён ва индивидуал услуб масалалари тадқиқотида, янги давр насрининг тараққиёт қонуниятларини ўрганишда илмий манба сифатида асқотади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: натижалар илмий журнал ва тўпламларда эълон қилинган, диссертациянинг асосий хулосалари ва мазмуни халқаро, республика ҳамда олий ўқув юртилариаро ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Қўлланилиш соҳаси: тадқиқот натижалари ва материалларидан олий таълим тизимида, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳозирги қорақалпоқ насрини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Сагидуллаевой Джамили Нуруллаевны на тему: «Стилистические поиски в каракалпакских повестях (на материале повестей 1980-х годов)» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.04 – Литература тюркских народов (каракалпакская литература)

Ключевые слова: Повесть, художественный стиль, индивидуальный стиль, лирико-психологический стиль, психологический стиль, традиция и новаторство, типологическая схожесть, стили и формы повествования, рассказчик, образы повествователя и автора, художественное время и художественное пространство, противительная интонация, творческая лаборатория, творческая эволюция, типология сюжетов и образов, художественный текст и индивидуальный стиль, художественный перевод и индивидуальный стиль.

Объект исследования: Объектом исследования являются повести А.Халмуратова, Г.Есемуратовой, У.Пиржанова, Ш.Сеитова, Е.Утепбергенова, появившиеся в 80-е годы XX века.

Цель исследования: Изучение проблемы стиля и раскрытие своеобразия индивидуальных стилей писателей в каракалпакских повестях 80-х годов XX века, а также рассмотрение эволюции художественного стиля, определение новизны в повествовательной типологии и стилистических поисков в творческой лаборатории писателей.

Методы исследования: В работе применялись методы сравнительно-типологического, психологического, эстетического, стилистического, структурального анализа.

Полученные результаты и их новизна: В работе впервые в монографическом плане изучается стиль каракалпакских повестей 80-х годов XX века. Определены их жанрово-стилистическое своеобразие, формы и методы повествования, типология сюжетов и образов, методы работы над художественным текстом и роль художественного перевода в стилистических поисках.

Практическая значимость: Результаты исследования могут служить базой для дополнения и расширения научно-теоретического представления о каракалпакской прозе 80-х годов XX века, для изучения вопросов современного литературного процесса, индивидуальных стилей и закономерностей развития прозы нового времени.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Результаты исследования были опубликованы в научных журналах и сборниках, основное содержание и выводы были обсуждены на международных, республиканских и межвузовских научно-теоретических конференциях.

Область применения: Материалы и результаты диссертации могут быть использованы в процессе изучения современной каракалпакской прозы в системе высшего и народного образования, в академических лицеях и профессиональных колледжах.

RESUME

Thesis of Sagidullaeva Jamila Nurullaevna on scientific degree competition of the Candidate of Philological Sciences on speciality 10.01.04 – Literature of Turkic people (karakalpak literature) on the subject «Stylistic searches in Karakalpak narratives on the materials of 1980 years».

Key words: narrative, story, artistic style, individual style, lyric-psychological style, psychological style, tradition and innovation, typological resemblance, style and form of narration, narrator, way (manner) of narrator and author, artistic time and artistic space, adversive intonation, laboratory of creative work, creative evolution, typology of plots and images (characters), artistic work (text) and individual style, artistic translation and individual style.

Subjects of research: Subjects of investigation are narratives by A.Khalmuratov, G.Esemuratova, U.Pirjanov, Sh.Seyitov, E.Utepbergenov, appeared in 80th of XX century.

Purpose of work: to study problems of style, reveal the peculiarities of individual styles of writers in Karakalpak narratives of the 80th of XX century, as well as to examine the evolution of artistic style, define novelties in narrative typology and stylistic searches in the creative labs of writers.

Methods of research: in the work methods of comparative-typology and structural analysis, psychological, aesthetical, stylistic methods were used.

The results obtained and their novelty: In the research the style of Karakalpak narratives of the 80th of XX century is the first to be the subject of investigation in the ground of monography. Their genre and stylistic features, forms and ways of narrations, typology of plots and images (characters), methods of working on the artistic texts and the role of artistic translation in stylistic searches are determined.

Practical value: the results of the investigation can be the basis for theoretical studying Karakalpak prose of the 80th of XX century, for examining contemporary literary process, the individual styles and regular development of the contemporary prose.

Degree of embed and economic effectivity: the results of the investigation have been published in a number of scientific journals and collections, the main content and conclusions of the work have been discussed in international, republican and higher school conferences.

Field of application: the materials and results achieved in the work can be applied in the process of studying contemporary Karakalpak prose in the course of higher and public education, in academic lyceums and vocational colleges.